



**АЛЕКСАНДР  
ЛОК**

**ШЕЪРЛАР**

**ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ  
БАДИЙ АДАБИЕТ НАШРИЕТИ  
ТОШКЕНТ 1967**

**Блок Александр.**

Шеърлар. А. Муҳтор, Шукрулло, Ж. Жабборов  
ва М. Икромлар тарж. қилган. Т., Фафур Ғулом  
номидаги бадиий адабиёт нашриёти. Тошкент. 1967.

Тираж 10 000.

88 бет.

Блок А. Стихи.

Рч

Индекс 7—4—2

Б 77

## УН ИККИ

1

Тим-қора тун.  
Оппоқ қор.  
Шамол, қуюн!  
Одамлар, қадамлар беқарор.  
Шамол, қуюн —  
Тутган олам үйин!

Шамолда қор гиркапалак,  
Майин ва оқ.  
Қор таги — муз.  
Йўллар тайғоқ;  
Пастлик, ўрлик,  
Йўловчилар хар қадамда  
Йиқилади —  
оқ, оқ, шўрлик!  
Бинологдан дарахт айрисига  
Ип тортилиб  
Плакат осилган:  
«Бутун ҳокимият Таъсис Мажлисига!»  
Деб ёзилган.  
Кампир гаранг — йиғлагудек,  
Тушунмайди — бу плакат нега керак,  
Увол бўпти шунча чит,

3

Чамалаб боқ:  
Пайтавалик бўлар эди қанча йигит,  
Бари, ахир, яланг оёқ...

Кампир курк товукдай,—  
Оёқ ости муз,—  
Қорни кечиб, бир амаллаб йўлга чиқади:  
— Оҳ, оҳ, Бибимарям, мадакоримиз!  
— Оҳ, оҳ, большевиклар гўрга тикади!

Шамол юлар гоҳ-гоҳида,  
Совуқ чимчир ундан ошириб!  
Буржуй турар чорраҳада  
Бурнин ёқасига яшириб.

«Буниси ким?» Шипшиб гапиради,  
Патак сочи узун, паришон.  
— Сотқинлар!  
— Россия тугади...  
Адиб бўлса керак —  
Ваъзхон...  
Ана, четлаб ўтиб, қорга бекинди,  
Этагин судраган рўдапо.  
Ҳовуринг жуда паст, нимага энди,  
Уртоқ поп?  
Эсингдами, бир вақт ўзингдан  
Олдинда юрарди қорининг,

Олтин крест билан халқнинг кўзига  
Ялтираб турарди қорининг?

Ана, оймтилла, қундуз ёқалик,  
Дугонаси билан кўришди:  
— Биз йиғладик, бирам йиғладик...—  
Деди-ю, қоқилиб, узала тушди!  
Ҳай, ҳай, бу не ҳол!  
Кўтар, қўлтиғидан ол!

Шўх шамол олади,  
Дарғазаб, хурсанд.  
Оёқдан илади  
    Бўш келсанг.  
Бебош шамол  
Сигмай ҳаддисиға,  
«Бутун ҳокимият Таъсис Мажлисиға!»  
Деган плакатни  
    юлқиб-юлади.  
Узоқдан товушлар олиб келади:

...Бизларда ҳам бўлди мажлис...  
...Манов бинода...  
...Муҳокамадан сўнг  
    Қарор қилдик биз:  
Тонггача — йигирма беш,  
    бир галга — ўн сўм...

...Камига унаш йўқ...  
...Кетдик, ётамиз...  
Ярим тун яқин.  
Кўчалар бўм-бўш.  
Бир юпун дайди,  
Букчайган, хомуш,  
Ҳам ел бўзлайди...

Ҳей, шўринг қурғур,  
Упишайлик...

Нон!

Ҳой, тўсма, тез юр!  
Тим-қора осмон.  
Ғазаб бу, ғазаб  
Дилларда қайноқ...  
Шум, эзгу ғазаб,  
Ҳушёр бўл,  
Уртоқ!

2

Қор тўзғитиб шамол елади.  
Ун иккита одам келади.

Милтиқлар қайиши ярақлар,  
Атрофда — чироқлар, чироқлар...

6

Тишларда папирос, ғижим картузнинг  
Соябони тагидан мўралашарди.  
Елкаларга яна ғиштин тузнинг  
Шаклини ҳам солса зеп ярашарди!

Хуррият, хуррият,  
Бебут, бесанам!  
Тра-та-та, тра-та-та,  
Қадамлар шахдам!

Совуқ-ку, ўртоқлар, ҳой, совуқ!  
— Ванька майхонада Катька пинжида...  
— Керенкаси бормиш пайпоқ ичида.

— Ванюшка ўзи ҳам энди бадавлат...  
— Узимиздан эди, айнипти солдат!

— Ҳай, Ванька, итвачча, буржуй, текинхўр,  
Менинг дилдоримга яқинлашиб кўр!

Хуррият, хуррият,  
Бебут, бесанам!  
Катька Ванька билан банд...  
Тра-та-та,  
Бос қадам!

Атрофда — чироқлар, чироқлар...  
Елкада қайишлар ярақлар...

Инқилобий сафлар, бос қадам!  
Душман тинмас, ухламас бир дам!

Милтиқни маҳкам тут, дадил бўл, дўстим,  
Мўлжаллаб отайлик ҳаромхўр Русни,  
Диндор Русни,  
Қориндор Русни!  
Ҳей, бебут, бесанам!

3

Бизнинг йигитлар ҳам кетишди  
Қизил гвардия сафига.  
Қизил гвардия сафида —  
Ёвқур бошларини ўққа тутишди!

Жон ширин, жонон ширин,  
Дилда кулфатнинг тиғи!  
Елкада жулдур чопон,  
Австрия милтиғи!

Буржуйнинг дунёсига  
Ўт қўямиз қасоскор,  
Қонли ёнғин турар жаҳонда,  
Ерлақа, парвардигор!

4

Қор бўралар. Катъка билан  
Учар Ванька безори.

8



Извошининг шотисида  
Илинтирис фонари...  
Оҳ, оҳ, қарая!..  
Ванька, аҳмоқ башара,  
Шоп мўйлови қоп-қора.  
Эски шинель эгнида...  
Мўйловини бурайди,  
Упич сўрайди...  
Ванька шундай — кенг яғрин!  
Ванька шундай — сўзамол!  
Катькага очар бағрин,  
Катька эса — лол...

Бошин ташлар орқага,  
Тишлари садафдай оқ...  
Катя, Катя, тентагим,  
Афти япалоқ...

### 5

Момиқ бўйнингда, Катя,  
Пичоқ изи битмаган.  
Мамманг остида, Катя,  
Тирноқ, изи кетмаган!

Уйинда серноз экан, оҳ!  
Обқчаси соз экан!

Шаффоф кўйлак кийиб юрдинг —  
Юравер-чи, кўрайлик!  
Юнкер билан давр сурдинг —  
Суравер-чи, кўрайлик!

Сен айшингни сурардинг,  
Шув этарди юрагим!

Эсингдами, у офицер —  
Пичоғимга дуч келган...  
Эслайсанми, жавоб бер,  
Ё хотиранг эскирган?

Дуч келган пичоғимга!  
Кел яна қучоғимга!  
Миньон шоколади ердинг,  
Сур этигинг олифта.  
Юнкерларга жазман эдинг,  
Солдатларга қолибсан!

Эҳ, майлига, зино қил!  
Осойиш топар кўнгил!

6

...Яна рўпарадан от қўйиб тикка,  
Бақириб-чақириб учар извошчи...

10

Тўхта, ҳой! Андрюха, қарашиб юбор,  
Петруха, ортидан ўтиб бир бос-чи!..

Пақ-пақ-пақ! Пақ-пақ-пақ! Пақ-пақ-пақ!  
Қор қуюни турди осмонда оппоқ!

Ванька тушган извош чап бериб қочди...  
Булар мўлжал олиб яна ўт очди...  
Яна: пақ-пақ! Таъзирин еди.

. . . . .

Бировнинг ёрини қучмагин эди.

Йўқ, қочиб кетибди! Қараб тур, ҳайвон,  
Барибир мен сени қўймайман омон!

Катькачи? У қани?— Мана, қотибди!  
Калласидан ўқ еб ётибди!

Ҳа, қалайсан энди?— Гиқ этмайди-ку...  
Ёт, қорда ётабер, ғар, кафанинг шу!..

Инқилобий сафлар, ташлайбер қадам!  
Душман тинмас, ухламас бир дам!

## 7

Ун иккилар келар яна  
Қўлда милтиқ, белда ўқ.

Фақат шўрлик қотил, мана,  
Рухсорида қони йўқ...

У, каловлаб қолмайин деб,  
Тезлатар қадамини.  
Шарфи бўйнидан бўққандек,  
Ростлолмайди дамини...

— Хўш, оғайни, ҳовуринг паст?  
Ҳа, ўртоқ, шошилдингми?  
Хўш, Петруха, яхши эмас,  
Катъкага ачиндингми?

— Нима қилай, жон оғайни,  
Севар эдим, куйладим...  
Шу қиз билан ўтар эди  
Сархуш қора тунларим...

— Кўзларида олов чақнар,  
Шўх, шайтони бор эди.  
Шундоққина ўнг кифтида  
Мошдек холи бор эди.  
Нобуд қилдим, мен аҳмоқ,  
Жаҳл устида... оҳ, оҳ!

— Йиғиштир-э, оҳ-воҳингни!  
Нима, Петька, ҳезмисан?  
— Юрагини бўшатмоқчи,  
Ҳасрати кўп — сезмайсан!

— Тиклаб ол умуртқангни!  
— Узингни бос, оғайни!

— Кўнглинг овлаб ўтиргали  
Хонаси эмас бунда!  
Қадрдон ўртоқ, ҳали  
Оғир кунлар олдинда!

Петруха уқди чоғи,  
Қўйди жадаллашини...  
Ранги рўйи очилиб,  
Кўтарди калласини...

Бас, бас!  
Уйнаб-кулиш айб эмас!  
Қулфлансин қўралар,  
Бугун ўғри оралар!

Оч майхона эшигин —  
Юпунлар базми бугун!

8

Оҳ, қайғу-алам!  
Ғашлигу кулфат,  
Улимга улфат!

Бир кайфу сафо  
Сурганим бўлсин...  
Бир ҳузур кўрсам,  
Кўрганим бўлсин...

Бир писта бериб,  
Эркалай, эркалай...

Бир пичоқ солиб,  
Тилкалай, тилкалай!..

Қонингни ичаман, ҳай буржуй,  
Ёнмоқда ичим,  
Ул қора қошим,  
Жононим учун...  
Ё парвардигор, юпат қулингни...  
Ғашман!

9

Эшитилмас шаҳар суронлари,  
Невский узра оқар булутлар.  
Энди йўқдир жандарм қиронлари,  
Ичмаёқ ўйнайбер, йигитлар!

Ёқасига яшириб бурнини  
Турар чорраҳада буржуй қозикдак.  
Орқасига қисиб думини  
Суйкалади туллаган кўппак.

Оч ит каби буржуй, безабон,  
Худди савол аломатидай.  
Эски дунё дайди итсимон  
Думин қисиб турар ортида.  
Уйнаб қолди изғирин,  
Уҳ, бўрон, бўрон, бўрон!  
Кўришолмай бир-бирин,  
Қилишар шовқин-сурон!

Қор гирдоби тип-тикка,  
Интилар юксакликка...

— Фалокатдан ўзинг асра!  
— Петька, қўй калимангни!  
Сақлаб қолганми сира  
Иконанг сени, мени?  
Онгсиз экансан, майли,  
Уйлаб қара танангга —  
Катька ишқи туфайли  
Қон юқди ахир сенга!  
— Инқилобий сафлар, оқинг!  
Тиним билмас ёв яқин!

Олға талпин, олға қалқ,  
Ишчи халқ!

Борар ээгу калимасиз  
 Ун иккилар — шиддаткор.  
 Аягулик ҳеч нимасиз,  
 Ҳамма нарсага тайёр!

Милтиқлари қурч найзалик;  
 Ёв кўринмас, қоронғу...  
 Тол кўчалар пастқам, холи,  
 Бўрон ўйнайди ғув-ғув...

Қор уйими кўпчиган,  
 Этик ботар кўнжидан...

Қизил байроқ  
 Ҳилпирайди.

Гурс-гурс оёқ,  
 Ер титрайди...

Ёв дам уйғоқ,  
 Дам мудрайди...  
 Бўрон тўсар сафлар кўзин,  
 Кун узун,  
 Тун узун...  
 Олға талпин, олға қалқ,  
 Ишчи халқ!



Ҳокимларча ташлашар оёқни,  
 — Яна ким бор? Чиқақол!  
 Олдинда қизил байроқни  
 Ҳилпиратади шамол...

Олдинда — қор уюмлари;  
 — Қорда ким бор? Қани, чиқ!  
     Орқада гадо сингари  
     Каловлайди оч қанжиқ...

Илашма, ҳей қўтир туллак,  
 Ё найзага олайми?  
 Эски дунё, кет кўзимдан,  
 Ё жағингга солайми?

Ҳамон қолмас, тишин қисиб,  
 Оч бўридай, совқотган.  
 Дайди итнинг думи қисиқ...  
 — Ҳай, ким у келаётган?

— Ким ол байроқ силкиган  
 Қоронғуда йиқилиб?  
 — Ким юрипти тулкидай  
 Пастқамларда биқиниб?

— Афсус қиласан топсак,  
 Тирик таслим бўлақол!

— Эй, биродар, чиқ, ўт очсак,  
Ёмон бўлади аҳвол!

— Пақ-пақ! Фақат бинолардан  
Акси садо келади...  
Фақат бўрон қор түзгитиб  
Қаҳ-қаҳ уриб кулади...

Пақ-пақ-пақ!  
Пақ-пақ-пақ!

Ҳокимларча ташлашар оёқ;  
Орқада — оч ит, холос.  
Олдинда — қонли байроқ  
Ва қор ичра кўринмай,  
    Уқни назарга илмай,  
Майин ҳатлаб қуюнлардан,  
    Инжу-садаф учқунлардан  
    Оқ тож кийган сарафроз —  
    Келур Исус Христос.

*1918 й. Январь.*

Панмўғулизм! Гарчи даҳшатли бу ном,  
Аммо қулоғимга бахш этар ором.

*Владимир Соловьёв*

Бизлар миллионлармиз. Биз — олам жаҳон,  
Беллашинг сизда гар бўлса иқтидор.  
Ҳа, биз скифлармиз. Осиёий қон,  
Қийиқ кўзларимиз қаттол ва хунхор.

Сизга замон-замон. Бизга-чи бир он.  
Бизлар итоаткор қулбачча гўё —  
Мўғуллар бир ёну, Оврupo бир ён,  
Биз қалқон ушладик икки ирқ аро.

Асрлар, асрлар ўтхонасида  
Сурон карнайлари қўйилди сизга.  
Лиссабон, Мессина бўлганда пайҳон,  
Бу машъум эртақдەк туюлди сизга.

Асрлар шарқ томон кўзни тикдингиз,  
Бизнинг инжулардан тўлдириб ҳамён.  
Асрлар беписанд фурсат кутдингиз  
Оч тўпларга бизни этмоққа нишон.

Мана, фурсат өтди. Бошимиз узра  
Қанот қоқди кулфат. Ҳар кун минг алам.  
Аммо вақт келарки, қолмагай сира  
Сизнинг Пестумлардан ному нишон ҳам.

Кўҳна дунё! Тирик экансан ҳали,  
Ҳали ширин азоб бераркан ҳаёт,  
Қадимги донишманд Эдип шоҳ янглиғ  
Сфинкс қошида бир лаҳза жим қот!

Россия — Сфинкс. Хушнуд ва нолон  
Қоп-қаро қонига беланган вужуд  
Тикилар, тикилар, тикилар сен томон,  
Нафрати беҳудуд, меҳри беҳудуд.

Ҳа, бизнинг қонимиз севгандай свиш  
Сизга насиб эмас ва бўлмас асло.  
Сизга аллақачон бегонадир ишқ,  
Уртаб ёндиргувчи, қилгувчи адо.

Севамиз илоҳий ҳислар дунёсин,  
Совуқ рақамларнинг ҳароратин ҳам.  
Англаймиз туманли немис даҳосин,  
Галл сўзин маънию камолатин ҳам.

Эслаймиз Парижнинг дўзах кўчалари,  
Венеция салқин саболарини.  
Лимонзор боғларнинг хуш бўйларини  
Кельннинг туманли биоларини.

Биз танни севамиз, севамиз дард-ла,  
Унинг рангу таъмин ва ҳидин тенгсиз.  
Бизлар гуноҳқорми, сўнгакларингиз  
Синса бизнинг оғир, нозик қўлларда?!

Юганидан ушлаб асов бияларнинг  
Белин синдирмоқни қилганмиз одат.  
Бош эгмаган қайсар жорияларни  
Қўлга кўндирмоқни қилганмиз одат.

Қани, келинг бизга! Нечун оташлар?  
Оташдай бизнинг тинч оғушга келинг.  
Вақт борида қинга жо бўлсин ханжар,  
Бизга оға бўлинг! Бизга дўст бўлинг!

Йўқ эса — бари бир яна биз учун,  
Аҳдни бузмоқ келар бизнинг ҳам қўлдан.  
Сиз тавқи лаънатга қолурсиз бутун  
Тарихдан, келажак мажруҳ наслдан.

Биз-чи, юз бурамиз гўзал Овруподан,  
Бағрига олади ўрмонлар бизни.  
Сизга ўгирамиз сўнг тамоша учун  
Қора осийи башарамизни.

Қани келинг, келинг, барча, Уралга,  
Сизга жанглар учун очамиз майдон.  
Оқил, кўкси тўла интегралга,  
Темир машиналар бошласин қирон.

Аммо биз сизларга бўлмаймиз қалқон.  
Утга кирмагаймиз энди ўзимиз.  
Бораркан қиёмат жанги беомон,  
Четдан боқар сизга қийиқ кўзимиз.

Сира қўзғалмаймиз қаттол ёвуз хун  
Шаҳарлар кулини совурганда ҳам.  
Ҳатто ўликларни талаганда ул,  
Оқ танлар гўштини қовурганда ҳам.

Сўнги бор — кўзни оч, эй кўҳна очун!  
Тинч меҳнат базмига хушнуд, сарафроз —  
Оғалик базмига сўнги бор букун  
Чорлаётир сени ваҳший сози!

*1918 й. 30 январь.*

\* \* \*

Азиз дўстим! Ёш қалбинг-ла  
Поксан нақадар!  
Тинч ухлайбер! Қалбим сен-ла,  
Ухла бехатар!  
Сен турганда чўкади тун,  
Авж олар бўрон.  
Сени ёлғиз қўймас у кун  
Содиқ дўст, инон.  
Санчса ҳам қиш ўз нишини —  
Мен сенга ҳамдам!  
Қиш қаҳридан ўзим сени  
Асрагум ҳар дам!

*1899 й. 8 февраль.*

## ЕМҒИРДАН СҮНГ

Емғир букмиш сирень қоматин..  
Тинмиш янгроқ булбул хониши;  
Эшитилар қулоққа бетин  
Ирмоқларнинг аччиқ нолиши.

Орзу қилар, кутар табиат:  
Гуллар очар жамолин, кўркин,  
Яна хушбўй боғимда албат  
Қушлар сайрар ўқтин ва ўқтин.

*1899 (1916?) й. 1 июнь.*



Тақдир ўзи менга қилган васият  
Муқаддас эъзозу эҳтиром билан  
Доим ёритмоқни энг Олий Мақсад —  
Эшигин, туманли машъалим билан.  
Ва фақат кечқурун — Эзгу Тилакка  
Дунёвий ақлим-ла интиламан мен,  
Илоҳий қўрқувни солиб юракка  
Илҳом оташида тобланаман мен.

*1899 й. 26 май.*

Булутлар сузади вазмин, эринчоқ,  
Мовий осмон бўйлаб мисоли карвон.  
Йўлларим оғирдир, йўлим кўп йироқ,  
Ҳоргандай қилт этмас осуда ўрмон.

Остимда хириллар толиққан отим...  
Қачон мен қадрдон манзилга етгум?..  
Ў, унда, олисда, кимдир бетиним  
Қандайдир қўшиқни айтади маъсум.

Наздимда: гар тинса ўша шўх садо,  
Нафас олишим ҳам бўларди мушкул.  
Отим ҳам қуларди ярим йўл аро,  
Ўзим ҳам етмасдим манзилга буткул!

Булутлар сузади вазмин, эринчоқ,  
Атрофда мудрайди толиққан ўрмон.  
Йўлларим оғирдир, йўлим кўп йироқ.  
Аммо қўшиқ — менга йўлдош ва дармон.

*1900 й. 27 февраль.*

\* \* \*

Ёмғирли тун. Көзардим танҳо,  
Кўҳна уйда, дарча ёнида —  
Кўрдим ўйга чўмган бенаво —  
Уз ғамимни — ёлғиз намдийда  
Боқар эди олисга маънос...  
Тикилдим мен унга дам-бадам,  
Гўё кўрдим юзида афсус —  
Утган ёшлик белгисин шу дам.  
У бир боқди. Эзилди бағрим,  
Чироқ ўчиб — тонг ҳам оқарди.  
Ғамли кўнгил даричасин жим  
Ёмғирли тонг аста қоқарди.

1900 й. 15 март.

\* \* \*

Қувғинда ҳам шубҳада шоир —  
Айрилишда туради холис.  
Сўнар тунги таассурот бир-бир,  
Нажод уфқи хира ва олис.

Йўқ кўкида шамъи шабистон,  
Нени истаб, қай томон жилсин?  
У шубҳа ҳам қувғинда, ҳайрон  
Туриб қолди йўлда, на қилсин?

Аммо ақл қилгуси бовар,  
Умид ёнар кўзида чақнаб:  
Уйғониб кун, кўрсатар рухсор  
Ва оғислар боқар чарақлаб.

*1900 й. 31 март.*

Гарчанд аввалгича маромда адиб  
Довруқсиз, туманли ўз ижодида  
Ҳаётнинг кўп қадим нафис ва ажиб  
Куйларин элтса-да лира тожида.  
Бироқ яқинлашар мақсадга шоир,  
Интилар, ҳақиқат етаклаб, чорлаб  
Ва ногоҳ олисда кўрингай нодир,  
Илгари нотаниш, янги нур порлаб...

*1900 й. 5 апрель.*

\* \* \*

Чопайлик, чопайлик, эрк ўгли, тезроқ,  
Азиз ватанга!  
Табиат сасига ишондим мутлоқ,  
Сен инон менга!  
Бунда дуд, тўзондан осмонни кўрмоқ,  
Маҳолдир, маҳол!  
Чопайлик, чопайлик; эрк ўгли, тезроқ,  
Кенгликка дарҳол!  
Чопишар... Орқада қолмиш майдонлар,  
Атроф дала-туз.  
Кўз-илғамас чексиз ува, сайҳонлар  
Тебранганомуз...  
Чопишар фарзандлар қуёш, ҳур айём  
Истикболига...  
Ва олди она юрт эъзозу икром  
Ила бағрига...  
Олиб эркалади, қучди ардоқлаб,  
Очиб кенг қучоқ.  
Сабза олисларда жаранглаб қутлаб —  
Турди қўнғироқ...  
Олдию сўнг алдаб, аянчли хатар  
Йўлда бешафқат  
Топширди ташвишли, даҳшатли кунлар  
Измига абад...

*1900 й. 7 май. (1916 й. 12 май.)*

\* \* \*

Осмон ёришмоқда. Тун жонсиз мисол.  
Теграмдир баҳайбат дарахтзор. Лекин  
Олис ва номаълум шаҳарнинг бетин  
Сурони қулоққа чалинар яққол.

Баҳайбат бинолар кўринар қатор,  
Минора, хўмрайган шинаклари ҳам;  
Тош девор ўраган қора дарахтзор,  
Асрий мағрур қалъа каваклари ҳам.

Шундай, синчков ақл азалдан буён,  
Ҳалок шаҳарларнинг унут суронин  
Ва борлиқнинг мавжли жўшқин уммонин  
Тикламоқ истайди, тиклаши аён.

*1900 й. 10 июнь.*

*Туш*

Утиб кетди тасодиф кунлар,  
Утиб кетди у лоқайд тунлар,  
Бироқ қолди эсимда абад  
Тушда кўрган ажиб хотирот,  
Шуни сизга айлай ҳикоят.

Кечки шаҳар қолмиш ортимда.  
Томчилармиш оҳиста ёмғир.  
Ҳу олисда, энг чекка жойда,  
Яширолмаи ҳамшаҳарларим  
Гуноҳларин, бадбин ўйларин  
Ботқоқликка чўккан уфқда  
Қизил шафақ товланар эмиш.

Мен шаҳарни тарк этиб бутун,  
Кам биноли холи кўчадан  
Борармишман аста қадамлаб,  
Ҳа, дўстим ҳам эмиш ёнимда.  
Гар бўлса-да мен билан бирга,  
Чурқ этмасмиш бутун йўл бўйи.  
Сўрабманми жим юр деб уни,  
Ёки ўзи эканми ғамнок,  
Фақат, бошқа-бошқа нарсани



Кўрармишимиз иккимиз шу чоқ:  
У кўрармиш ёш ва тепакал —  
Олифталар серпардоз, серноз  
Аёлларни бағрига босиб,  
Файтонларда ўпишганини.

Фикри ёдин тортармиш унинг  
Юпқагина парда тутилган  
Ойнаклардан қараган қизлар...  
Бирдан босди ҳар ён қоронғу,  
Ҳамроҳимнинг нигоҳларин ҳам.  
Ва афтидан, ўзга истаклар  
Олди унинг хаёлин қуршаб,  
У қалпоғин бостириб олиб  
Муйилишда йўқолди кўздан.  
(О, нақадар шод эдим бундан,  
Чунки, борми ёруғ жаҳонда  
Яхши дўстни йўқотишдан ҳам  
Кўнгилли ва ёқимли нарса?)

Йўловчилар камайиб борар.  
Фақат учрар дайди оч итлар,  
Фақат масту аласт аёллар  
Сўкинишар эмиш олисда.  
Далаларда карам ўзаги,  
Тол, қайинлар кўзга ташланиб,  
Анқир эмиш ботқоқлик ҳиди.

Равшан тортмай ҳали ақл-ҳуш,  
Тинди қадам товши ва ғовур,  
Турли диннинг сири асрори  
Ҳақидаги суҳбат ҳам тинди;  
Ҳар сатрнинг пули ғами ҳам,  
Ва қачондир бунда бўлганим,  
Кўрганларим ҳаммасин тушда,  
Унгимда ҳам кўрган эканим  
Ойдинлашар эмиш тобора.

Йўл кетганди пастликка қараб,  
Кўринмайин қолди бинолар.  
Ботқоқликда, дўнгдан-дўнггача  
Бижиб ётган кўлмаклар узра  
Харилардан ташланмиш кўприк  
Ва бу сўқмоқ иланг-биланглаб  
Ғира-шира бўзарган, мудроқ  
Сокинликка элтармиш. Унда —  
Ҳам пастликда, ҳам баландликда,  
Сўлғин, ҳавол дўнглик устида  
Гўё постда турган посбондай  
Кутар эмиш орзиқиб ҳаво  
Ел қизининг майин эсишин,  
Сув жимирын, барглар чапагин,  
Табиатнинг гуркирашини.

Жимлик ҳоким эмасди бевор,  
Тантанали дамлар кутарди:

Ахир ҳеч ким эшитмаган-ку,  
Ота-онасидан ҳеч қачон,  
Ёки мактаб мураббийсидан;  
Ўқимаган китобдан ҳеч ким,  
Шундоққина пойтахт ёнида,  
Бўмбўш, хилват ботқоқлик жойда,  
Гудок чолган пайтда фабриклар,  
Тантанали ташрифлар вақти,  
Яхши, ёмон унут бўлган чоқ,  
Ишрат ҳисси авжга минган чоқ,  
Министрлар янги кенгаши  
Ва оғриган қорин ҳақида  
Бад ва узун суҳбат маҳали,  
Эзгуликка нафрат-ла боқиб,  
Яширмайин тубан кетишин,  
Баданини сотиб беҳаё  
Ва тумтароқ чанг кўчаларда  
Сурбетларча кўзга тикилган...—  
Ана шундай таҳқир маҳали  
Вожиб экан ҳамма учун туш.  
Бинобарин, мендай дарбадар,  
Ё эҳтимол, шу сатрларни  
Севиб ёки қаҳр-ғазаб-ла,  
Ўқиётган китобхон, сен ҳам,  
Ажаб эмас, кўкимтир-яшил,  
Беташвиш ва ёқимтой, тиниқ  
Гулни кўрсанг, қайсики номи  
Аталади Тун Бинафшаси.

Сезган эдим ўзим ҳам шундай,  
Утаётиб ботқоқликлардан  
Кўрдим ёмғир пардаси оша  
Чоғроққина уйни дафъатан.  
Ўзим билмай қайга келганим,  
Зил эшикни оҳиста очиб,  
Остонада турдим хижолат.

Узун, пастак ушбу уй ичра  
Қўйилганмиш гир айлантириб  
Бесўнақай скамейкалар.  
Чўзиқ стол ёнгинасида  
Хунуққина, кўримсиз юзли  
Қиз ўлтирар эмиш индамай,  
Ип йигириб оҳистагина.  
Ёшмиди у ё қаримиди  
Ва сочлари қандай ранг эди,  
Кўзи қандай, сифати қандай,  
Хотирамда қолмапти асло.  
Фақат шуни биламан, у қиз,  
Жим ва сокин йигирармиш ип.  
Сўнг ишини қўйиб у узоқ  
Ултирармиш ҳеч ёққа боқмай,  
Ултирармиш бепарво, беўй.  
Мөн-чи, унга боқар эмишман  
Аллақайда кўргандай бўлиб.  
Бўлгандир у балки гўзалроқ  
Ва ажабмас, келишган ва ёш.

Ва эҳтимол ўша, бир вақтлар,  
Оёқлари остида унинг  
Сочига оқ тушган қироллар  
Ошиқона чеккандир ғам, азоб.

Ҳа, шу нарса тушди ёдимга,  
Ботқоқликнинг хомуш эснаши  
Теграм узра кезганиданми,  
Ҳаво — кулган Тун Бинафшасин  
Бўйларига тўлганиданми,  
Тун базмига никоҳ либосим —  
Киймай, шундоқ келганимданми,  
Пастаккина ана шу уйда  
Ҳоким эди илиқ жозоба.  
Тунги ресторанлар ошиғи,  
Девона-ю дайди эдим мен,  
Йиғилганмиш бунда қироллар;  
Аммо аниқ эслайман, бир вақт  
Бўлиб шулар даврасида мен  
Теккизгандим қадаҳига лаб  
Қаердадир тоғли қирғоқда.  
У ерда на денгиз, на замин  
Аллақачон йўқ бўлиб,  
Фақат  
Қолган олис қор қуюнлари,  
Скандинав ҳокимлигининг  
Сал ялтираб олтин тожлари.

Унутилган тождор наслга  
Бурчни ўтаб, таъзим айламоқ —  
Мушкул эди, ғоятда мушкул.  
Лекин улар эришди шунга  
Ва ўкинч-ла куларди юрак  
Бу кечиккан интизорликка.  
Уй ичини айланиб чиқдим,  
Эски дўстлар қўлини сиқдим,  
Бироқ мени танимадилар.  
Ниҳоят, мен пайқадим бунда,  
(Ҳа, пиволи) катта бочканинг  
Ортидаги скамейкада  
Чолу кампир ўлтирганини.  
Кўзим илғар тожлари... эҳ-ҳа,  
Хираланиб зангли ҳавода,  
Силкинарди кўҳна бошларда.  
Аср бўйи ўлтирар улар  
Ул одатий таъзимни кутиб  
Ва жавобан сал-пал силкиб бош.  
Ўлтирганлар олдидан ўтиб,  
Қиролларга таъзим қилдим мен;  
Кўҳна, теран ажинлар узра  
Қалқиб ўтди чарчоқ бир соя;  
Ва одатий улуғвор имо-ла,  
Қолишимни амр этдилар.  
Шундан кейин ўгирилиб мен.  
Энг қоронғу бурчакда турган,  
Кўрдим сўнгги эски курсини.

Қинғир, шалоқ ўша курсида  
Ўлтирарди сокин бир одам,  
Тирсагини қўйиб тиззига.  
Қўли билан тираб юзини.  
Сезиларди, қаримасдан у,  
Ўзгармасдан, бир ўйни ўйлаб  
Аср бўйи ўлтирар ғамнок,  
Оқибатда қотмиш аъзоси.  
Эндиликда, маҳкумдир, шу ҳол  
Ўтиришга бир умр, абад.  
Ўша бирдак ўйини ўйлаб,  
Ёнидаги курсида турган  
Ўша пиво жомига қараб.

Борганимда унинг ёнига,  
Боқмади у, қилмади жавоб —  
Таъзимимга, қимир этмади.  
Фақат, нурсиз кўзин тубига  
Аста боқиб, сўнгра тушундим:  
Тугамаган пиво олдида,  
Энг қоронғу чекка бурчакда  
Шу одамдек мен ҳам бир умр  
Ўтиришга маҳкумлигимни.  
Қисматим-да унингдай ўйлаш,  
Унинг каби қўл қовуштириш,  
Унинг каби нурсиз кўзларим  
Тикиш уйнинг чекка бурчига:  
Унда, милт-милт чироқ тагида

Мудраган қўш қирол ёнида  
Ва ухлаган тўда ёнида  
Ип йигириб, эшиб бемақсад  
Утирарди, унут ўлканинг  
Маликаси, номи қайсики  
Аталади Тун Бинафшаси.  
Утирибман кулба ичра мэн.  
Ёнимдаги — пиво қадаҳи  
Ва қадаҳнинг ғамнок эгаси.  
Унинг юзи энгашиб борар,  
Тиззасига теккудай бўлиб.  
Букилишга ожиз қўллари,  
Лек шақирлаб фақат суюги  
Тушиб кетиб, осилиб қолар.  
Бу девона мэндек қадимда  
Асилзода зотлардан эди.  
Шимол қизин шайдо этгувчи,  
Скандинав достонин айтган  
Сарвқомат довьюрак эди.  
Мана унинг либос лахтаги:  
Тарам-тарам турли ранг мато,  
Қадалгандир олтин безаклар,  
Туси эса оқариб кетган.

Сал нарида эса сипоҳлар  
Қўпол курсиларда ўтирар.  
Бири мангу уйқу ичида  
Маҳкам тутган қилич сопини.



Бири шпор таққан оёғин  
Чалкаштириб курси тагида,  
Қалқонига суянган сокит...  
Дубулғасин туширган бири —  
Шу дубулға ёнида  
Чириган полдан  
Усиб чиқмиш рангсиз ўт-ғиёҳ,  
У баҳорсиз яшашга маҳкум,  
Нафас олиб бадбўй  
Кўҳна ҳаводан.

Ундан нари — бочка ёнида  
Савлат тўкиб олий одоб-ла  
Ўлтиради чол ҳамда кампир,  
Олисидаги шафақдан хиёл  
Шуъла инган тожлари аста  
Хираланиб боради бошда.  
Ва жимирилар кўкиш сочлари,  
Ўраб теран ажинларини;  
Ва кўзлари қошлар тагидан  
Ботқоқ чўғи каби мудрайди.

Ундан нари — малика жим-жит  
Йигирарди, йигирарди ип.  
Чархи узра эгиб бошини.  
Ширин уйқу билан  
Овлаб кўнглимиз,

Маст айларди ботқоқ бўйи-ла,  
Ром этарди тун эртаги-ла.  
Узи эса — яшнаб Бинафша  
Нафас олар эди ботқоқдан,  
Чархи эса айланиб чир-чир,  
Йигирарди, йигирарди ип.

Мудрар эдим,  
Ҳам эдим маҳзун,  
Уйлар эдим узоқ ўйимни  
Ва боқардим нурли чизиққа.  
Эҳтимолки ўтарди лаҳза,  
Ё эҳтимол ўтарди юз йил.

Уйқу ичра эшитар эдим:  
Ташқарида гувлаган сасни,  
Олисларда сув чайқалишин,  
Гўё йироқдаги тўлқинни,  
Гўё янги ватан садосин,  
Гўё чайкаларнинг чағ-чуғин,  
Ёки бўғиқ сирёнлар товшин,  
Ёки ҳайдаб келарди шамол  
Кемаларни қувноқ ўлкадан.  
Ва ногаҳон келарди қувонч,  
Пишқирарди олис кўпиклар  
Ва яшнарди олисда нурлар.

Қадаҳига эгилди кўшним,  
Шарақлади кўллар оҳиста,  
Бош эгилиб тегди курсига.  
Қилич синиб, сочилиб кетди.  
Қалқон қулаб,  
Дубулға тагидан  
Қочиб кетди вақтичоғ сичқон.  
Чол ва кампир курсиларида  
Бир-бирига суянмиш өнгил  
Ва уларнинг көкса бошини  
Тарк этганди қироллик тожи.

Ботқоқликда ўтирардим мен.  
Ботқоқ узра очганди чирой  
Ҳам қаримас, ҳамда вафодор  
Менинг гулим, қайсики номин  
Атагандим — Тун Бинафшаси.

Шаҳрим қолди ботқоқ ортида,  
Уша оқшом, ўша шафақ ҳам.  
Ва эҳтимол  
Дўстим гандираклаб  
Бир неча бор келиб уйимга,  
Мени сўкиб, лаънатлагандир  
Ва донг қотиб ухлагандир ҳам.

Ўтиб кетди юз йил осуда,  
Юз йил хаёл сурибман ғофил.

Менман ернинг энг чеккасида,  
Болалардек ёлғиз ва оқил.  
Сўнаётган гумбаз ҳам сокин,  
Шу зил олам мени этди ром.  
Яшнар Тунги Бинафша локин,  
Яшнар гули нафармон мудом.  
Эркаловчи илк субҳи-саҳар  
Эшитаман тўлқин жўшганин,  
Зўр кемалар яқинлашганин —  
Янги ердан келгандай хабар.  
Орзу қизи тўқийди шундай  
Аниқ ҳамда лаҳзали тушлар,  
Ногоҳ Қувонч келар пайдар-пай,  
Келар мутлақ  
Ва дилни хушлар  
Ва барг ёзгай Тун Бинафшаси.

*1905 й. 18 ноябрь.— 1906 й. 6 май.*

## ИККИНЧИ ЧҶҚИНИШ

Қор бўрони очди менинг эшигим,  
Совуқдан музлади, музлади хонам.  
Яна кумушсимон жом ичра шу дам  
Иккинчи марта мен саждага келдим.  
Ва янги олам қўяркан қадам,  
Биламан одамлар, ишлар борлигин,  
Ёвузлик йўлидан юрса гар одам  
У дунёда унга жаннат ёрлигин.  
Совуб бораётган шу ер — тупроқда  
Толдим жонона лутфидан беҳад.  
Қор бўрон учқуни — яхча яноқда  
Бебаҳо тош янглиғ товланар ялт-ялт.  
Иккинчи чўқиниш бахти бу фурсат  
Қалбимни муз этди, ўртади сийнам.  
Сен ваъда қилдингми бир оний лаззат?  
Башорат этдингми келишин кўклам?  
Қара, хурсандликдан юрак тинчимас!  
Ерни қоплаб олмиш қор уюм-уюм.  
Ҳеч кўклам ўлмайди ва керак эмас:  
Учинчи дунёга келмоқ бу ўлим.

*1907 й. 3 январь.*

## ШОИРЛАР

Шаҳар чеккасида сокин кўча бор,  
Бу ерда шоирлар туришар эди.  
Улар бир-бирини учратиб ҳар бор.  
Нафратли жилмайиб кўришар эди.

Қуёш тушмас эди бу заҳ кўчага,  
Йил тўрт фасл ботқоқ бўларди бу ер.  
Бу кўчанинг аҳли тонгдан кечгача  
Шароб ичар эди, ёзар эди шеър.

Мастликда қилишиб изҳори дўстлик,  
Бир-бирин кўкларга кўтаришарди.  
Ҳушёрликда эса, қулфлаб эшик  
Ҳасад билан шеърга ўтиришарди.

Сўнг кўппак сингари чиқиб инлардан,  
Денгиз томонга жим боқишарди, ё —  
Кўз олмай йўловчи хушбичимлардан  
Беришарди қадду сочларга баҳо.

Олтин замонлардан ўй суришарди,  
Барча ноширларни хўп ерга уриб.  
Бир чечак кўрсалар, кўзга суришарди,  
Йиғлашарди парча булутни кўриб.

Шундай яшар эди шоирлар, аммо —  
Уларни таҳқирлаб кулма, китобхон.  
Ўз турмушинг билан тенг қилма асло,  
Пастга урма шоир аҳлин беомон.

Азиз ўқувчим, эй танқидчи нодон,  
Ҳеч бўлмаса, бор-ку шоир кўзида —  
Томчи шабнам, парча булут ва осмон,  
Шулар ҳам йўқ ахир сенинг ўзингда.

Сенга хотинингу ўзинг бўлсанг бас,  
Ўз қонунларинг бор, сен шундан мамнун.  
Аммо шоир эса — олам-жаҳон маст,  
Қалбига сиғмайди, етмайди қонун.

Маили, итдай ўлай девор остида,  
Тепкилади ҳаёт майлига бутун.  
Тангри мени қорга буркаб гоҳида,  
Ўпди пешонамдан гоҳида қуюн.

*1908 й. 24 июль.*

Жамолинг шунчалар танишки менга,  
Бирга яшагансан мен билан гўё.  
Уйми, меҳмон, кўча... бормай қаерга  
Бўлур кўз олдимда суратинг пайдо.

Қадам ташлагандек бўласан, юрсам,  
Қайда бўлсам, сен ҳам шу ерда тайёр.  
Сен эмасми, енгил одимлаб, эркам,  
Ортимдан юргувчи тунлари бедор?

Эшикдан бош суқиб, боқмасимданоқ  
Сен эмасми ўша бўлувчи ғойиб —  
На тутиб, на кўриб бўлади мутлоқ,  
Сен ёки тушмисан ажиб, ғаройиб?

Ғарам ортидаги гўристон аро,  
Қабр тепасида ўраб чит рўмол,  
Сўзсиз ўтиришинг кўрганда гоҳо —  
Уша сенмасми деб ўйлайман дарҳол.

Утирганинг кўриб бормоқ бўлдим ҳам,  
Яқинлашсам нари сен кетдинг аммо.  
Дарё томон тушдинг куй айтиб шу дам.  
Қўнғироқлар бериб оқшомги садо,



Сенинг куйларингга бўлганида жўр —  
Мен хавф-хатар билан кутдим, йиғладим.  
Аммо қўнғироқлар тиниши билан  
Марғуб овозинг ҳам бирдан бўлди жим...

Фурсат ўтди, сендан бўлмади хабар,  
Ҳилпиради дурранг дарё томонда..  
Қанча дард чекмайин, аммо муқаррар  
Сени кўрмоқликка умид бор менда.

*1908 й. 1 август.*

\* \* \*

Мен не учун атадим  
Шайдойи деб ўзимни,  
Сен не учун келардинг  
Икки қилмай сўзимни?  
Наҳот ҳўнграш учун сўнг  
Совуқ камин ёнида,  
Наҳот ўйнаш учун сўнг  
Учган ўтин ёнида?

Ёки ҳақиқатан бахт  
Янглиш ва сарсарими?  
Ёки чиндан мен энди  
Заиф, касал, қарими?  
Асло! Кулда ялтирар  
Ҳали охирги учқун,  
Демак олов бор экан  
Ёнғин чиқиши учун!

*1908 й. 30 декабрь.*

Унутардим ғамгин ерда тамоман  
Недир голиблигу, мардлик, шараф-шон,  
Столимда турган оддий у ромдан  
Расминг менга кулиб боққани замон.

Аммо вақт етдию, сен уйдан кетдинг,  
Тунга отдим мен ҳам азиз узукни.  
Тақдиринг бўлакка сен инъом этдинг,  
Мен ҳам унут қилдим барно юзингни.

Қатор кунлар малъун ва бадбахт,  
Дарз солди умримга маю эҳтирос...  
Сени хотирамдан чиқармай ҳеч вақт,  
Сени ёшлигимдай чорлаганим рост.

Мен сени чорладим, ташламадинг кўз,  
Кўз ёши қилсам ҳам этмадинг шафқат.  
Кўм-кўк плашчинга ўралиб маъюс,  
Намчил тун бағрида кетардинг фақат...

Билмадим, азизим, гўзалим бир йўл —  
Қайдан паноҳ топдинг шу кетганингча.  
Уйқуга ғарқман мен: тушимда нуқул  
Кўм-кўк плашчину у намчил кеча...

Нафосат, шарафни этмам ўй-хаёл,  
Бари-бари ўтди: ёшлигу виқор.  
Столимдан расминг ўз қўлим ила  
Узим олиб қўйдим — шу бўлди қарор.

*1908 й. 30 декабрь.*

\* \* \*

Сўзлар шивиридан туғилдинг, эркам,  
Оқшомги боғ сари сўнг қўйдинг қадам,  
Олча гулларига чулғанди-да, боғ,  
Баҳорий саломинг янгради қувноқ.

Шундан бери на кун, на бир тун бордир,  
Руҳинг бир соядай мен билан ёрдир,  
Ёрдир менга оппоқ боғлар нафаси,  
Ҳовуз бўйлари, енгил қадаминг саси.

Қурғур уйқусизлик бўлмишдир ҳамроҳ,  
Уни тун қаърига ҳайдаб бўлмас, оҳ!

*1908 й. Декабрь.*

\* \* \*

Шундай. Утди йиллар бўрони.  
Нам ва қора эгатларга бот  
Кирди мужик. Баҳор сурони  
Яна қоқди тепамда қанот...

Ҳам даҳшатли, ҳам енгил, ҳам зил;  
Баҳор менга пичирлар: уйғон...  
Севинаман мен унга жон-дил,  
Ғойибона ўпаман, инон.

Ва беҳад тез тепади юрак  
Ва ёшарар бениҳоят қон,  
Оқ булутлар ортидан юксак  
Илк муҳаббат жило қилган он...

Унут, унут фоний оламини,  
Қанот қоқу уч ўша ёққа...  
Йўқ, базмда эмасдим якка!  
Йўқ, унутмам ҳеч ўша дамни!

*1909 й. 14 декабрь.*

\* \* \*

Оч, хаста эркисизлик очса кучоқ,  
Айём айём эмас, йил ҳам йил эмас.  
Қачон туга бошлар далалар бошоқ,  
Қачон хўрланган халқ олади нафас?

Мана, шитирлади қоронғуда дон  
Гоҳ қаддини тиклаб, гоҳ қилиб сажда.  
Сўзлар шаббодага тун бўйи дoston:  
Дея гуллаш пайти бошланди, авжда.

Халқ — барча гулларнинг гултожи эрур,  
Гулларга бахш этар гўзаллик, чирой.  
Ҳукмрон ёз албат ризқу рўз берур,  
Бизни ҳам — бенасиб этмас ҳойнаҳой.

*1909 й. 15 февраль.*

\* \* \*

Мен баҳор кунини ўтказдим диққат,  
Ювилмаган дарча олдида;  
Рафиқам зерикар, куйлар бетоқат,  
Асир қушдай девор ортида.

Йиғардим мен мактуб, эсдаликларим,  
Эҳтироссиз ҳамда шошилмай;  
Аниқ аён бўлиб қолди қисматим:  
Умр гувлаб ўтмиш, на қилай.

Фикр, баҳслар қайтиб келишар яна,  
Тунлар келар ғамгин, эринчоқ...  
Ойна пардаларин туширмоқ нега?  
Қалбда ёғду сўнган-ку бироқ.

*1909 й. Март.*



## СРОИЕТОЛИК ҚИЗ

Черковнинг шамидай қоматинг мавзун,  
Қиличдай қарашинг жонга қилур қасд,  
У, қиз, порлоқ висол эмасдир орзум,  
Зоҳиддай жисмимни ўтга берсам, бас!

Бахт талаб қилмайман. Лутфинг на даркор?  
Қўпол илтифот-ла етказмасман ғам!  
Панжарангдан боқиб рассомдай бир бор,  
Гуллар узишингни кўрсаму севсам!

Шамоллар қаноти, қуёш шуъласи  
Сени кўздан йироқ қилар, Мария,  
Рухсат бер, фариштам, кўзим қувнасин,  
Ширин бир дард чўксин қалбим қаърига.

Зулфингнинг тим қора жингалагига,  
Сирли шеърларимдан тақурман олмос.  
Қора чашма кўзинг тубсиз тагига,  
Ошифта қалбимни ташламоғим рост...

*1909 й. 3 июнь.*

## МОСКВА ТОНГОТАРИ

Ёқимлидир субҳидам турмоқ,  
Нафис изни қумликда кўрмоқ.  
Ёқимлидир сени эсламоқ,  
Мен билан сен хушрўйим ҳар чоқ.

Севаман мен сени, ғурурим,  
Беғамгина ёшлигим, нурим,  
Кремлинг — тиниқ жамолинг,  
Шу тонг сенинг — зебо камолинг.

*1909 й. Июль.*

\* \* \*

Узилдию кўрфаз бағридан,  
Она тупроқ соҳилларидан —  
Жаҳон сайрин этиб ихтиёр,  
Сузиб кетди кемалар қатор.  
Ҳайҳот, худди шулар сингари,  
Эй, сиз, олтин ёшлик йилларим,  
Сиз ҳам мандан кетдингиз йироқ,  
Қайтмас бўлиб кетдингиз бироқ.

*1909 й. Ноябрь (?).*

*Онамга*

Туш кўрдим: қадимий сағанага биз  
Дафн этилганмиз; тепада ҳаёт  
Ҳамон сершовқину ҳамон маънисиз;  
Ва сўнги кун эшик қоқади ҳайҳот.

Маҳшар тонги аста оқара бошлар.  
Олисда янграйди сури Исрофил.  
Устимизда эса — қирмизи тошлар  
Ва чўян мақбара босиб турар зил.

У келар туманли олисдан, келар  
Қилич яланғочлаб фаришталар ҳам;  
Китоблардан зеркиб, инонмай бизлар  
Ўқиганимизга ўхшаб чинакам.

Ўша арк гумбази остида овлоқ  
Ётар осойишта менинг рафиқам.  
Унга азиз эмас озодлик бироқ,  
Тирилиб турмоқни истамас ҳечам...

Ва ёнимда онам пичирлар менга:  
«Ўғлим, ҳаётда сен эдинг бақувват,

Гумбазни қаттиқроқ итар қўлинг-ла,  
Тош қулаб тушади устингдан албат».

«Йўқ, ойи. Табутда димиқдим расо,  
Энди қайда менинг аввалги кучим.  
Сигиниб, астойдил қилинг илтижо,  
Тошни фаришталар қулатсин учун».

*1910 й. 20 июнь.*

У, қанча кулдингиз устимиздан сиз,  
Нафрат билан бизга боқдингиз хунхор,  
Сизни осойишта шеърлар билан биз  
Этганимиз учун қаттиқ шармисор!  
Бироқ биз — ўшамиз ҳамон. Шоирлар,  
Янгидан қўмсаймиз сизни, сиз учун,  
Муқаддас севгини сақлаб муътабар,  
Такрорлаб қадимий аҳдни бус-бутун...  
Аввалгидай оддий сокин хонамиз,  
Деворларга боқиб вақтни билурмиз...  
Маили, кулаверинг, бизга инонманг  
Ва ернинг остида жилғалар куйлаб,  
Шуъла дайдишини тараннум айлаб  
Ёзган шеърларимиз асло ўқиманг...

Тютчев васиятин унутманг бироқ:  
Сукут қил. Яширин ҳамда сир сақла  
Туйғу-ҳисларингни, орзунгни ҳар чоқ...

*1911 й. Январь.*

Ёшлик йиллар мавжи жўш урар яна,  
Куч қайнар юракда, фикрлар кескин...  
Аммо бахтдан йўқдир ному нишона,  
Таажжубларга ҳам ўрин йўқ лекин!

Йиллар даҳшатлидир, тўла хавф-хатар,  
Таъқиб, ифволардан муҳит иборат.  
Улардан соғ-омон ўтолсанг агар,  
Муъжиза бор экан, дердинг, ниҳоят,

Ниҳоят, кўрардинг ўз кўзинг билан  
Бахтга эҳтиётсиз эканин ҳаёт.  
Сезардинг, ушалмас бу орзунг билан  
Ярим умрингни ҳам этмаслигинг шод,

Завқ, ижод косаси лиммо-лим тўлиб,  
Тошиб четларидан тўқилганини,  
Менинг бахтим ҳисси — бизники бўлиб,  
Олам-ла мулоқат тўқилганини —

Майин бир жилмайиш ила бемалол  
Эслаб қўяжаксан баъзи-баъзида:  
Ётганин гўдакча оддий бир хаёл  
Биз бахт деб ўрганган сўзинг мағзида.

*1912 й. 19 июнь.*

\* \* \*

Мудраяпсан дея берасан озор,  
Масхаралаб яна қаттиқ куласан.  
«Севаман» сўзини айтмоққа юз бор  
Мажбур қилмоқчи ҳам мени бўласан.

Сасинг — жанубга хос хумор ва серноз,  
Қад-қоматинг кўрқда мисоли жайрон.  
Мен эсам, мангу қор, бўрону аёз —  
Эсан ўлкалардан келдим сен томон.

Енгил вальс куйи ва тепангда қалққан  
Оппоқ дим булутлар ғалат мен учун.  
Қот чанглари аро кўринган, балққан  
Ажиб тушдай менга қарайсан гулгун.

Отингни аташдан кўрқаман хийла,  
Номинг айтишимга бормикин ҳожат?  
Яхшиси, мен чанқоқ кўзларим ила  
Сенинг жамолингдан олайн лаззат.

Жанубий чиройинг унутган эдим,  
Хотирамга солур бенаф у гарчанд.  
Қорли тунда бўлмиш парканду парканд,  
Кечмишни — у гўзал кунларни энди.

*1913 й. 12 декабрь.*



\* \* \*

Телбаларча севдим яшашни ғоят.  
Абадийлаштирсам бутун борлиқни,  
Инсонийлаштирсам нобакорлиқни,  
Бўлмагани бунёд этсам мен абад!

Майли бўлсин оғир ҳаёт уйқуси,  
Майли шу уйқуда ололмай нафас —  
Қувноқ ўғлон кулиб умид-орзуси  
Келажакда таъриф этса ажабмас!

Ғамноклигин афу этамиз — шони,  
Мўъжиза қудрати шумиди наҳот?  
У эди — эзгулик ва нур ўғлони,  
У — эрк тантанаси эди умрбод!

*1914 й. 6 февраль.*

\* \* \*

Мен — Гамлетман. Битар тоқатим,  
Макр тўри айласа тутқун.  
Ва қалбимда илк муҳаббатим  
Яшар — фақат ягонам учун.

Сени, менинг Офелиямни,  
Олиб кетди ўлим қачонлар.  
Ўз юртимда мен шаҳзодани  
Заҳарлади оғули ханжар.

*1914 й. 6 февраль.*

*Август Стринберг хотирасига*

Барча азобларни мен кўрдим, ҳа, рост,  
 Улимга интилдим чанқоқ ва ташна...  
 Йўқ, йўқ! Бу ниятдан тўхтадим бехос,  
 Яшайман — ғамгинлик юзимга ошна.

Баҳорда қабристон оралаб юриб,  
 Учратиб қолдим мен кичик бир гўрни...  
 Майли, бу номаълум қабр мени кўриб,  
 Билсин дедим ҳолин манглайи шўрнинг.

Севган гулларимдан бир даста тутиб,  
 Қабрга келтирдим кун ботар чоғи...  
 Сезардим, у ёндан, бу ёндан ўтиб,  
 Мендан узилмасди биров нигоҳи.

Ногоҳ бу нигоҳни учратиб маъюс,  
 Унда бир ишора англадим шу пайт...  
 Йўқ, йўқ, бу дунёда ёлғизман, ёлғиз...  
 Бурилдим-да, жўнай бошладим лоқайд.

Раҳм-шафқат қўзғарми мендаги сиймо?  
 Балки ғамгин чеҳрам, ҳорғин боқишим  
 Унга маъқул келиб қолдимикин ё,  
 Ёлғизликданми ё унга ёқишим?

Йўқ, яхшиси, юмиб ўтайин кўзни:  
У ҳам келишгандир, қайғулидир ҳам,  
Аммо лекин якдил этгувчи бизни  
Уртада бўлмагай муштарак олам...

Аммо сезмоқдаман: ортимдадир у,  
Мана, қадалиб ҳам турар қаршимда...  
Сўзимга тўлдириб ғазаб ва оғу  
Жавоб бермоқчиман шу қарашимда —

Изтиробли бир куч, истак-ла бирдан,  
Аранг эшиттириб бошлар у гапин:  
«Қўрқманг асло, ушбу кичик қабрда  
Менинг болагинам бўлгандир дафн».

Кечирим сўрадим, ҳамқайғулигим  
Бош эгиб мен изҳор айлаган эдим,  
У эса қўлимга тутқазиб гулим:  
«Олинг, қолдирибсиз унутиб» деди.

«Учрашувимиздан бўлиб бир ёдгор  
Болангиз қабрида қолсин даста гул...»  
У елкасин қисиб совуққон, ночор,  
Деди: «Сизга кўпроқ керакроқдир ул».

Ҳа, бу хатойимни кўрдим ўзимдан,  
Аммо ўлгунимча кечирмасман (йўқ!)  
Такаббуруна боқиб менинг изимдан  
Жилмайиб қолганин нохуш ва совуқ.

*1914 й. Август.*

\* \* \*

Яна аёз дилга солади ғулу,  
Аммо мен совуққа кўкракни кERGUM,  
Инсонларга улкан ишқимни бергум,  
Танҳолик синовин ўтган севги бу.

Бу ишқ замирида ғазаб бор бироқ,  
Улғайиб келмоқда нафрат ва талаб:  
Эру қиз кўзига боқсанг: унутмоқ  
Ё севмоқ меҳрини ўқийсан дастлаб.

Майли айтсинларки: «Шоир, унут қил!  
Қайт маъсуд масканга!» дейилсин буйруқ,  
Совуқда муз бўлиб қотганим маъқул,  
Ўзур маскан — йўқдир, осудалик — йўқ!

*1911 й. 6 февраль, 1914 й.*

\* \* \*

Сен ёлғиз яшадинг! На изладинг дўст,  
На маслакдош топдинг, сен ўтдинг якка.  
Ўткир пичоғингни аямай рўй-рост  
Ботирдинг бахтга ланг очиқ юракка.  
«Нодон дўст! Сен бахтга етардинг балки!..»  
«Нечун? Бу бўронли бахтсизликда биз  
Қанча уринмайлик, барҳаёт бахтни  
Барибир ҳеч сақлаб қола олмаймиз!»

*1914 й. 26 август.*

Гуноҳ қилиб қўйиб бешарму оғир,  
Фарқин қила олмай кеча-кундузин,  
Бир четдан паналаб, кайфдан боши зил,  
Ибодатхонага киради охир.

Уч бор таъзим ила эгилар қуйи,  
Етти бор чўқинар, соф этиб ўзин,  
Қизғин манглайини босгани қўйи,  
Тупукдан ҳўл полга тегизар юзин.

Лаганчага ташлар-да мис чақасин,  
Яна уч карра-ю яна етти бор.  
Юз йиллаб ўпилган икона расмин  
Устма-уст ўпади, ўпади такрор.

Уйга қайтаётиб, ундириб олар  
Кимдандир қолдирган пулини шу чоқ.  
Эшикдан оч итни у ҳайдаб солар,  
Оёқ билан тепиб, тутиб ҳиқичоқ.

Сўнг чироқ нурида, икона тагида  
Чой ичар, ҳисоблаб чўт айлантирар.  
Қориндор жавонин сўнг очади-да,  
Сўлагин оқизиб нафсин тиндирар.

Ва пар тўшакларга бурканиб беғам,  
Оғир бир уйқуга чўмар шу нафас.  
Россиям мөн учун шу ҳолича ҳам  
Барча ўлкалардан азиз, муқаддас.

*1914 й. 26 август.*



Чуқур гўрга кўмарлар ўлсак,  
Тепамиздан унар кўм-кўк қир.  
Шунда бизга узоқ, баланддан  
Ёққан каби туюлар ёмғир.

Бу эринчак уйқу ичра биз,  
Не бўлмоқда, сўрамаймиз ҳам.  
Томчиласа, биламиз — кеч куз,  
Шариллатса, деймиз, ҳа, кўклам.

Бу мудроқ куй кўнглинга на ғам,  
На завқ берар, ў, нақадар соз.  
Севги, фироқ аламидан ҳам  
Қабр тоши айламиш халос.

Қайга шошдик, бу тинч масканда  
Балки ўйлаб кўрармиз биз ҳам —  
Бу дунёда гуноҳ, савоб деб  
Қандай ишни тушунган одам.

*1915 й. 18 октябрь.*

\* \* \*

Лойгарчилик, кўчада ёмғир,  
Не қилсам деб бўласан хуноб.  
Сиқиласан бўласан дилгир,  
Ҳам йиғлагинг келади шу тоб.  
Қандайдир дард қалбингга кириб,  
Хаёл чулғар тутундек нуқул.  
Энг яхшиси тараша ёриб,  
Самоварга ўт ёққан маъқул.  
Шунда чойнинг кайфи элитиб,  
Валдир-вулдур айтган сўзларим —  
Ногоҳоний бир завқ бахш этиб,  
Шояд очса мудроқ кўзларинг.  
Бу ҳаётда шошмаслик учун  
Ва нишонга бўлиш-чун содиқ!  
Биз ичган чой, қайғуни бутун  
Ҳайдаб, шояд, бергуси ҳордиқ.

*1915 й. 19 декабрь.*

## ИБЛИС

Юр мен билан, юрабер бирга,  
Итоаткор, содиқ қулсимон.  
Ярқираган чўққилар узра  
Бирга парвоз қиламиз, инон.

Сени тубсиз жарлик устида  
Елдираман ҳайратга солиб.  
Сен даҳшатга тушарсан, шунда —  
Шодланаман мен илҳом олиб.

Сени ёмғир томчисидан ҳам,  
Бош айланиб тинишдан кўзинг,  
Қанотларим остида ҳар дам  
Ташламасдан сақлайман ўзим.

Ярқираган оппоқ тоғликлар  
Ўтлоқлардан қоққанда қанот,  
Бир илоҳий гўзал вужуд-ла  
Бахш этаман ажиб ҳарорат.

Ёввойи ҳирс вужудинг ўртаб,  
Сен ер узра қилганинг фарёд —  
Биласанми, инсонлар ўйлаб  
Топган ҳийла, бир зарра, ҳайҳот!

Чўкканида сокин бир оқшом  
Сен сеҳримга ром бўлиб бутун,  
Саҳро каби ёнувчи осмон —  
Узра яна баландроқ шу кун —

Истаркансан қилмоқни парвоз  
Сени олиб учаман бирга.  
Шунда бу ер юлдуздек бўлиб,  
Юлдуз ўхшаб кўринар ерга.

Бу беқиёс, янги дунёни  
Кўриб ҳайрон қоласан шу чоқ.  
Мен ҳазилга қиламан буни,  
Бундай ижод менга ўйинчоқ.

Сен деҳшатда кўрқиб, бемажол  
Пичирлайсан: «Кўйиб юбор» деб.  
Қанотимни ёзиб бемалол  
Мен: «Учақол» дейман жилмайиб.

Ва илоҳий кулгим остидан  
Учаркансан тош парчасимон,  
Ярқираган бўм-бўш осмонда  
Парча-парча бўласан шу он.

*1916 й. 9 июнь.*

## КАЛХАТ

Мудроқ сайхон узра ясаб доира  
Калхат қанот ёзиб қилади парвоз.  
Теварак кимсасиз. Ғариб қулбада  
Она фарзандига қилар мунгли роз:

«Ма, наннангни егин, эмақол мамма,  
Ус, улғай, бўйин эг, бутни унутма».  
Асрлар ўтмоқда жанг-уруш билан,  
Исёнлар авжида, ёнмоқда қишлоқ.

Аммо менинг гўзал, қадим диёрим  
Ҳамон кўз ёшлисан, ўшасан бироқ.  
Токайгача чекар оналар ҳасрат  
Токай чарх уради бош узра калхат?

*1916 й. 22 март.*

## БУЛБУЛ ЧАМАНИ

1

Сув қайтганда, денгиз тубидан  
Кўчираман қатма-қат харсанг.  
Сўнгра ҳорғин эшагим билан  
Юқорига ташиймиз аранг.

Темир йўлга элтамиз уни,  
Тахлаймизу, сўнг қайтамиз жим.  
Енгил ташлаб жундор оёғин  
Ҳанграмоққа бошлар эшагим.

Ҳанграйди у бениҳоя шод,  
Юқдан озод — шунга вақти чоғ.  
Йўл устида эса, бор обод  
Соя-салқин ажиб чаман боғ.

Чаман боғни ўраган тўсиқ,  
Тўсиқдан-чи, мўралар гуллар.  
Тинмай куйлар ирмоқлар қўшиқ,  
Хониш қилар тинмай булбуллар.

Ҳар гал шу боғ дарвозасига  
Яқин келиб ҳангарар эшагим.

78

Унинг хунук овозасига  
Ичкаридан кулар аллаким.

Куладию, сўнг куйлар аста,  
Мен-чи, солиб мастона кулоқ,  
Қистайману йўрғамни пастга,  
Денгиз ёққа боқаман узоқ.

## 2

Кундуз аста сўна бошлар жим,  
Бутазорда ўрмалайди тун.  
Ҳайрон бўлар шўрлик эшагим:  
«Ўйга чўмиб қолдинг не учун?»

Айландими иссиқдан бошим,  
Ёинки бу оқшомги хаёл.—  
Билолмайман, тушми бу, ё чин,  
Кўз олдимда ўзга бир ҳаёт...

Мен бечора тор кулбам ичра  
Не кутарман, не сўрар кўнгил?  
Қулоғимдан кетмайди сира  
Ўша боғда сайраган булбул.

Эшитилмас у гулбоғ аро  
Бу ҳаётнинг таққир овози.

Кўринади дарчадан ҳар шом  
Аллакимнинг ҳарир либоси.

Оқшом аста ёйганда туман,  
Боғ ёнидан ўтаман ҳар бор.  
Қўшиқ билан, ноз-ишва билан  
Ҳар бор мени чорлайди нигор.

Ниманидир тиклар хаёлим,  
Тинглаганда ўша қўшиқни.  
Зориқишни бўйнимга олдим,  
Севиб қолдим баланд тўсиқни.

### 3

Дам олмоқда чарчоқ эшагим,  
Ана, ётар қум ичра чўқмор.  
Ўзим эсам сайр этаман жим  
Ёз тунининг кўркига хуштор —

Ўша бўм-бўш, ўша тошли йўл  
Букун сирли кўринар менга.  
Соя-салқин гулбоғ сари ул  
Етаклайди мени олдинга.

Тикиламан боққа интизор,  
Билолмайман, ўтди қанча вақт.



Шабнам кўнган чечаклар қатор  
Маъюсина эгиб турар қад.

Кутар мени бахтми ё кадар  
Гулбоғ сари йўлимни бурсам?  
Не бўларкин, хушхон булбуллар  
Наво қилган чаманга кирсам?

Орта қолди ўтмишим меним —  
Юрак қилар олдинга парвоз.  
Кўнглим сезар, булбул чамани  
Қарши олар мени сарафроз.

4

Алдамаган экан юрагим,  
Даҳшат эмас экан тўсиқ ҳам.  
Эшик қоқдим, моҳрўй малагим  
Ўзи очди ва бўлди ҳамдам.

Олиб кирди гулзорга мени,  
Йўлларимда лола, сунбуллар.  
Қўшиқ айтиб олди кўнглимни  
Шўх ирмоқлар, сайроқ булбуллар.

Бахт макони, ором маскани  
Шодон менга очди кенг қучоқ.

Ёр ҳалқасин жаранглагани  
Қулоғимда гўё қўнғироқ.

Дилбар тутган майи лолагун  
Айлантирди тамоман бошим.  
Тошлоқ йўлни унутдим бутун  
Ва унутдим шўрлик йўлдошим.

5

Гарчи оғир ҳаёт ғашини  
Унут қилди гулбоғ ҳавоси,  
Аммо денгиз шовуллашини  
Босолмади булбул навоси.

Тун бағридан эсган шаббода  
Олиб келди тўлқинлар сасин.  
Бирдан пайдо бўлди хаёлда  
Уша тош йўл, ҳамроҳим ҳорғин.

Оташ қўл-ла чирмашиб менга,  
Оғушимда тўлғанар дилдор.  
Сўрар мендан: «Не бўлди сенга,  
Уйга чўмдинг нечун, севар ёр?»

Қоронғуга тикаман нигоҳ —  
Қучоғига тортар у сафо —

Қулоғимдан кетмайди бироқ  
Гумбурлаган, пишқирган садо.

6

Уйғондим мен қоронғу саҳар,  
Билмам қай кун — менга ноаён.  
Гўдак янглиғ тинч ухлар дилбар,  
Тушида мен балки намоён.

Эҳтиросдан юзлари қирмиз,  
Тонг нурида тин олар сулув  
Гувиллайди узоқда денгиз,  
Демак, унда кўпаймоқда сув.

Аста очдим мовий дарчани,  
Эшитилди йироқдан гўё  
Нажот сўраб, чақириб мени,  
Инграгандай аянчли нидо.

Чақирарди мени эшагим,  
Фарёд билан ўкириб пастда.  
Ёр устига чойшаб тортиб жим —  
Ташқарига йўл олдим аста.

Хиёбондан пастга йўл олдим,  
Қадамимдан уйғонди гуллар.

Этагимдан тортқилаб қолди  
Гул шохлари мисоли қўллар.

Ўша таниш, яқингина йўл  
Менга узоқ туюлар энди.  
Мана, уйим жойлашган соҳил,  
Эшагим ҳам шунда қолганди.

Адашдимми тонг туманида?  
Ё табиат ҳазилими бу?  
Йўқ, ҳаммаси менинг ёдимда,  
Қоя, бута... бари ўша-ку!

Қайда қолди ва лекин уйим?  
Қоқиламан ногоҳ чўқморга.  
Бир замонлар ташлаган кўйим  
Занглаб ётар чўкиб қумларга,

Уни олиб пастга югурдим,  
(Ҳамон тушдек туюлар менга)  
Шиддат билан чўқморни урдим  
Қатлам-қатлам улкан харсангга.

Тош остидан, балки тин олиб,  
Тонг нурида роҳат қилмоққа —  
Қисқичбақа чиқди сурғалиб  
Ва ёстанди қумли қирғоққа.

Мен кўзғалдим, кўзғалди у ҳам,  
Қисқичини очганича чўнг.  
Бошқа бири келдию шу дам,  
Тишлашдилар, йўқолдилар сўнг.

Мен юрган тор сўқмоқда секин  
Уйим ёқдан, енгил, беозор —  
Аллакимнинг ҳайдаб эшагин,  
Ишчи келар, қўлида чўқмор.

*1914 й. 6 январь, 1915 й. 14 октябрь.*

## МУНДАРИЖА

Ун икки. Асқад Мухтор таржимаси . . . .	3
Скифлар. Эркин Воҳидов таржимаси . . .	19
«Азиз дўстим...» Мавлон Икром таржимаси	23
«Емғирдан сўнг». Мавлон Икром таржимаси	24
«Тақдир ўзи менга...» Мавлон Икром таржи- маси . . . . .	25
«Булутлар сузади...» Мавлон Икром таржи- маси . . . . .	26
«Емғирли тун...» Мавлон Икром таржимаси	27
«Қувғинда ҳам шубҳада...» Мавлон Икром таржимаси . . . . .	28
«Гарчанд аввалгича...» Мавлон Икром тар- жимаси . . . . .	29
«Чопайлик, чопайлик...» Мавлон Икром тар- жимаси . . . . .	30
«Осмон ёришмоқда...» Мавлон Икром тар- жимаси . . . . .	31
Тун Бинафшаси. Мавлон Икром таржимаси	32
Иккинчи чўқиниш. Мавлон Икром таржи- маси . . . . .	45
Шоирлар... Эркин Воҳидов таржимаси . . .	46
«Жамолинг шунчалар...» Шукрулло таржи- маси . . . . .	48
«Мен не учун атадим...» Мавлон Икром таржимаси . . . . .	50
«Унутардим...» Жуманиёз Жабборов таржи- маси . . . . .	51
«Сўзлар шивиридан...» Жуманиёз Жабборов таржимаси . . . . .	53
«Шундай. Утди йиллар...» Мавлон Икром таржимаси . . . . .	54
«Оч, хаста эркисизлик...» Мавлон Икром таржимаси . . . . .	55

«Мен баҳор кунини...» Мавлон Икром тар- жимаси . . . . .	56
Spoletoлик қиз. Жуманиёз Жабборов тар- жимаси . . . . .	57
Москва тонготари. Мавлон Икром таржи- маси . . . . .	58
«Узилдию кўрфаз бағридан» Мавлон Икром таржимаси . . . . .	59
Туш. Мавлон Икром таржимаси . . . . .	60
«У, қанча кулдингиз...» Мавлон Икром тар- жимаси . . . . .	62
«Ёшлик йиллар...» Жуманиёз Жабборов тар- жимаси . . . . .	63
«Мудраяпсан...» Жуманиёз Жабборов тар- жимаси . . . . .	64
«Телбаларча севдим...» Мавлон Икром тар- жимаси . . . . .	65
«Мен — Гамлетман...» Мавлон Икром тар- жимаси . . . . .	66
Аёл. Жуманиёз Жабборов таржимаси . . . . .	67
«Яна аёз...» Жуманиёз Жабборов таржи- маси . . . . .	69
«Сен ёлғиз яшадинг...» Жуманиёз Жаббо- ров таржимаси . . . . .	70
«Гуноҳ қилиб қўйиб» Жуманиёз Жабборов таржимаси . . . . .	71
«Чуқур гўрга кўмарлар...» Шукрулло тар- жимаси . . . . .	73
«Лойгарчилик...» Шукрулло таржимаси . . . . .	74
Иблис. Шукрулло таржимаси . . . . .	75
Калхат. Шукрулло таржимаси . . . . .	77
Булбул чамани. Эркин Воҳидов таржимаси . . . . .	78

На узбекском языке  
Александр Александрович Блок

Стихи

Перевод с издания Гослитиздата  
1960 года

Редактор Э. Воҳидов.  
Рассом Н. Комаров.  
Расмлар редактори П. Мудрак.  
Техн. редактор Л. Ильина.  
Корректор Т. Нуъмонов.

Босмахонага берилди 20/V-66 й.  
Босишга рухсат этилди 21/XII-66 й.  
Формати 60×90<sup>1</sup>/<sub>32</sub>. Босма л. 2,75.  
Нашр л. 2,28. Тиражи 10000  
Ғафур Ғулом номидаги  
бадий адабиёт нашриёти.  
Тошкент, Навоий кўчаси, 30.  
Шартнома № 119—65

Қозоғистон ССР Министрлар  
Совети Давлат Матбуот  
Комитетининг 2-босмахонасида  
босилди. Олмаота, Карл Маркс кўчаси, 63.  
1967. Заказ 454.  
Баҳоси 39 т.